

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АМАНОВ АБДИЖАББОР САТТАРОВИЧ**

**ЎЗБЕК ТИЛИДА МАТН ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИ БОҒЛОВЧИ**  
**ВОСИТАЛАРНИНГ СЕМАНТИК-ФУНКЦИОНАЛ ТАДҚИҚИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2022**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of the Abstract of the Dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)  
on philology**

**Аманов Абдижаббор Саттарович**

Ўзбек тилида матн таркибий қисмларини боғловчи воситаларнинг  
семантик-функционал тадқиқи..... 3

**Аманов Абдижаббор Саттарович**

Семантико-функциональное исследование средств соединения  
компонентов текста в узбекском языке ..... 25

**Amanov Abdijabbor Sattarovich**

Semantic-functional study of the means of connecting the components of the  
text in the Uzbek language ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 49

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АМАНОВ АБДИЖАББОР САТТАРОВИЧ**

**ЎЗБЕК ТИЛИДА МАТН ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИ БОҒЛОВЧИ  
ВОСИТАЛАРНИНГ СЕМАНТИК-ФУНКЦИОНАЛ ТАДҚИҚИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2022**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №Б2021.4. PhD/Фил.680 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қурбонова Муҳаббат Матякубовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Юлдашев Маъруфжон Муҳаммадович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Мадраҳимов Илхомжон Собирович**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ургенч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даража берувчи PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022-йил “27” 06 соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган ш., Уйчи кўчаси, 316. Тел: (998) 69-227-01-44; факс: (998)69-227-01-44; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz)).

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1095 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел: (99869) 227-07-61.

Диссертация автореферати 2022 йил “17” 06 куни тарқатилди.  
(2022 йил “17” 06 даги 9 рақамли реестр баённомаси).



**Н.М.Улуқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

**И.Ў. Дарвишов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Х.А.Жўраев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон тилшунослигида матнни алоҳида лингвистик тизим сифатида юзага келиш қонуниятларининг амалий жиҳатларини очиб беришга эътибор кучаймоқда. Матннинг вазифавий ўзига хос белги-хусусиятларининг жамият ривожланиши ва тафаккурига таъсири масалаларидаги амалий ишлар кўламининг кенгайиб бораётганлиги глобаллашув шароитида лингвомаданиятлараро алоқалар кучайиши билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам матн таркибий қисмларини боғловчи воситаларнинг амалда қўлланиш хусусиятларини, шакли ва услубиятини, тилнинг турли сатҳига оид бирликларни ўзаро боғлашдаги ролини аниқлаш, ҳар қандай тилда матн ҳосил бўлишида амал қилувчи қонуниятларнинг амалий имкониятларини белгилаш билан боғлиқ масалалар муҳим аҳамиятга эга. Мазкур воситаларнинг структур-семантик, грамматик, стилистик ҳамда функционал хусусиятларини аниқлаш ўз долзарблигини йўқотмаган вазифалардан бири ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида матнларни прагмалингвистика, когнитив, коммуникатив лингвистика, матн лингвистикаси каби замонавий йўналишлар доирасида кенг ўрганилмоқда. Ҳозирга келиб, матн тузилишида туташтирувчи воситаларнинг семантик-функционал тадқиқи ҳар жиҳатдан зарур. Боғловчи воситалар турли тилда яратилган матнлар мисолида узлуксиз муҳокама қилинаётган бўлса-да, ушбу воситаларнинг ўзбек тилида ифодаланиш хусусиятларини тизимли ўрганиш ва уларнинг семантик-функционал жиҳатдан тадқиқ этиш кун тартибидаги муҳим аҳамиятга эга зарур вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда жамиятимиз ривожланиши учун олиб борилаётган ислохотларни амалга оширишда ўзбек тилшунослиги олдига қўйилаётган вазифаларни бажаришга тўлиқ имконият ва шарт-шароитлар яратилиб, тилимизни ҳар томонлама ўрганиш масаласига бағишланган мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Айни пайтда ўзбек тили бадиий матнларининг лингвистик хусусиятларини тарихий-қиёсий, этнолисоний, психолингвистик, когнитив ҳамда лингвопоэтик нуқтаи назардан ўрганиш билан бирга матн таркибий қисмларини боғловчи воситаларнинг тадқиқ этиш ҳам муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланиб, номукамал, мавҳум ўринларни янгича қарашлар асосида ўрганиш ва тўлдиришга зарурат сезилмоқда. “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”<sup>1</sup>. Шу боис матн лингвистикасига инновацияларни тадбиқ этиш, жумладан, матн таркибий қисмларини боғловчи воситаларнинг семантик-функционал жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш олдимиздаги муҳим ишлар сирасига киради.

---

<sup>1</sup> “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 октябрь ПФ-5850-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу илмий тадқиқот маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек тилининг антропоцентриқ тадқиқи” мавзусидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Матнни жаҳон тилшунослигида Ж.Женэтт, М.Фуко, Ж.Деррида, Е.Агрикола, Р.ДеБеаугранде, В.У.Дресслер, Й.Мистрик, В.А.Кох, М.П.Ионице, А.А.Мэцлер, Л.Г.Фридман, Й.М.Лотманлар томонидан ўрганилган.

И.Р.Галперин, С.И.Москальская, Ф.И.Буслаев, Е.А.Реферовская, А.А.Потебня, Л.М.Лосева матннинг таркибий-семантик таҳлили бўйича; Г.Я. Солганик, В.В. Одинцова, Т.И.Сильман, И.Я.Чернухина матннинг услубий хусусиятларини ўрганиш бўйича; В.В. Виноградов, Р.А.Вейхман, Л.А.Булаховский, А.М.Пешковский, И.А.Фигуровский, А.Х.Востоков матн бирликлари бўйича; И.И. Ковтунова Л.П.Добляев, К.А.Долинин, Л.М.Лосева, З.С. Смелкова, Л.И Зилберман, матн қурилишини ўрганиш борасида; М.М.Бахтин, Б.Б.Шкловский, Б.В.Томашевский. В. Матезеус, Б. Гавранек, А.Йедличка, Б.Я.Пропп, К.Гаузенблас матн юзага келишининг ўзига хос қонуниятлари ҳақида изланишлар олиб борганлар.

Ўзбек тилшунослигида илмий асарлар, газета ва журналлар матни ҳақида О.Саидов<sup>2</sup> ва А.Шомақсудов; бадиий асар тилига оид И.Қ.Қўчқортоев, А.Ю.Алиев, С.Тўрабекова, Р.Қ.Қўнғуров, Ҳ.Назарова, А.С.Каримов, Ф.Насриддинов, Э.Қиличев, П.Қодиров ва бошқаларнинг тадқиқотларини айтиш жоиз. А.Мамажонов матн тилшунослигида кўрилиши мумкин бўлган бир талай масалаларга етарлича муносабат билдирган, М.Тўхсонов микроматн ва уни ташкил этувчи бирликларни тадқиқ этган, Н.Турниёзов турли вазифавий услубдаги матнларни статистик методлар асосида ўрганган. М. Хакимов илмий матннинг синтагматик ва прагматик

<sup>2</sup> Саидов О. Фельетон тили ҳақида баъзи мулоҳазалар. ТошДУ илмий асарлар тўплами. – Тошкент. 1975.

хусусиятларини, Б.Йўлдошев бадий матнни лингвопоэтиксини, М.Абдупаттойев матн синтаксиси, С.Боймирзаева эса матн ҳодисаси мазмуний тузилишининг когнитив моҳиятини тадқиқ қилган. И.Азимова психолингвистикадаги матннинг мазмуний перцепциясига оид умумназарий қарашларни шарҳлаган, М.Қурбонова бадий матнни тадқиқ этиш тамойиллари ва усуллари, Д.Мухамедова матн ва унинг турлари, И.Хожалиев тасвир нутқ типининг лингвистик хусусиятлари, Ш.Шаҳобиддинова матнни боғловчи воситаларни<sup>3</sup> ўрганганлар. Бироқ, матн таркибий қисмларини боғловчи воситаларнинг семантик-функционал хусусиятлари монографик тарзда тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг мақсади** матн таркибий қисмларини боғловчи воситаларни аниқлаш, уларнинг семантик-функционал хусусиятларини матн қурилишидаги аҳамияти ва ички қонуниятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жаҳон, туркология ва ўзбек тилшунослигидаги матн назариясининг талқини ҳамда матнга оид назарий концепцияларни тизимли равишда шарҳлаш, матн ва унинг таркибий қисмларини боғловчи воситалар борасидаги қарашларни умумлаштириш;

ўзбек бадий матнларидаги мураккаб синтактик бутунлик (МСБ)нинг шаклланиши ва такомилда бошланма (зачин)нинг ўрни ва унинг матн юзага келишида боғловчилик ролини очиб бериш;

макон ва замон билан алоқадор бўлган бошланмалар мураккаб синтактик бутунлик сифатида юзага келишини мисоллар орқали ёритиш;

синтактик бутунлик (МСБ) тугалланма (якуний гап)ларининг асосий хусусиятлари, унинг матн таркибидаги ўрни ва аҳамиятини белгилаш;

занжирли синтактик муносабатни тавсифлаш, унинг ўзбек бадий матнларини муҳим боғловчи воситаси эканлигини асослаш;

такрорлар, маънодош сўзлар, олмошлар, замон ва модал муносабатларни ифодаловчи феъл кесимларнинг гаплар орасидаги боғловчилик ролини семантик-функционал жиҳатларини бадий матнларни таҳлилга тортиш орқали далиллашдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида XX аср замонавий ўзбек адабиёти бадий матнларининг боғловчи воситалари танланган.

**Тадқиқотнинг предметини** Мураккаб синтактик бутунлик (МСБ) бошланмаси ҳамда тугалланма (якуний гап)ларининг матн юзага келишида боғловчилик роли, занжирли синтактик муносабат, такрорлар, маънодош сўзлар алмашинуви, олмошлар, замон ва модал муносабатларни ифодаловчи

---

<sup>3</sup> Мамажонов А. Текст лингвистикаси. – Тошкент, 1989; Мамажонов А., Абдупаттойев М. Матн синтаксиси. – Фарғона, 2002; Ҳакимов М. Ўзбек илмий матннинг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. н-ди ...дисс. – Тошкент, 1993; Тўхсанов М. Микроматн ва унинг коммуникатив яхлитлиги // Ўзбек тили ва адабиёти, 1990. – № 5. –Б.66-69; Шаҳобиддинова Ш., Исоқов З. Матн ва уни боғловчи воситалардан бири // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2004. –№6. –Б.75-76; Мухамедова Д. Микроматн кўринишида кесимларнинг тенг алоқага киришуви // Ўзбек тили ва адабиёти. 2004, №6, – Б.90-91; Мухамедова Д. Матн ва унинг турлари / Истиқлол ва тил. 3-қисм. – Тошкент, 2007. – Б.17-19; Турниёзов Н. Матн лингвистикаси (маърузалар матни). – Самарқанд, 2004; Йўлдошев Б. Матнни ўрганишнинг лингвостатистик методлари (услубий кўлланма). – Самарқанд, 2008; Қурбонова М, Йўлдошев М. Матн тилшунослиги (услубий кўлланма). – Тошкент, 2013.

феъл кесимларнинг матн таркибий қисмларини боғлашдаги ўрни ва аҳамияти таҳлили, семантик-функционал хусусиятлари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, статистик, номинацион-мотивацион, қиёсий-тавсифий, ассоциатив, компонент, семантик-функционал таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

матн ва унинг таркибий қисмларини боғловчи воситаларнинг бадиий матнлардаги мазмуний боғловчилик ролининг семантик-функционал белги-хусусиятлари ва лингвопоэтик воқеликда қўлланишининг грамматик кўлами аниқланган;

мураккаб синтактик бутунликнинг мазмуний шаклланиши ва такомиллашишида бошланманинг мазмун узвийлигидаги вазилавий ўрни, унинг бадиий матн тасвир воқеликларидаги макон ва замон билан алоқадорлик асосида юзага келиб, боғловчилик вазилавсини бажариши асосланган;

мураккаб синтактик бутунлик тугалланмасининг матн юзага келишидаги мазмуний-услубий бирлаштирилиши ассоциатив роли ҳамда уларнинг семантик-функционал жиҳатларга кўра когнитив алоқадорлик ва мотивацион яхлитлиги очиқ берилган;

замон ва макон асосидаги муносабатларни ифодаловчи феъл-кесимлар бадиий матнлардаги гаплар ўртасида боғловчи ва семантик-функционал мувофиқлик вазилавсини бажарувчи лисоний восита эканлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

матн таркибий қисмларини боғловчи воситаларнинг семантик-функционал хусусиятлари билан боғлиқ тўпланган материаллар тилшунослик учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, ўрта мактаб, академик лицей адабиёт дарсликларида бадиий матннинг мазмуний идроки жараёнига таъсирини оширишда, олий таълимда ўтиладиган «Матн лингвистикаси», «Прагмалингвистика», «Когнитив лингвистика», «Коммуникатив лингвистика», «Психоллингвистика», «Лингвопоэтика» каби фанлардан яратиладиган янги дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

ҳозирги замон фани ривожини учун фойдали бўлган ўзига хос илмий ёндашувларнинг шаклланиши ва матн тилшунослиги фанини янги илмий-назарий қарашлар билан бойитишда муҳим маълумот бўлиб хизмат қилиши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, хулоса ва натижалар илмий манбаларга таянилгани, амалга оширилган таҳлиллар семантик-функционал, қиёсий-тавсифий, ассоциатив, компонент таҳлил методларига асосланганлиги, тадқиқот мақсадига мос илмий асосланган назарий хулосалар чиқарилганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унинг материаллари ўзбек



тилшунослигини матн таркибий қисмларини боғловчи воситалар, уларнинг таснифи ҳақидаги илмий қарашлар билан бойитишда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилади ва жаҳон тилшунослигида матн таркибий қисмларини боғловчи воситалар бўйича амалга оширилган илмий ишларнинг ўзбек тилига татбиқ этилиши ишнинг назарий жиҳатдан қийматини белгилаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг натижа ва хулосаларидан таълим тизимида, хусусан, бакалавр талабалар учун “Бадиий таҳлил асослари”, магистрантлар учун “Матн тилшунослиги”, “Лингвокул-турология”, “Прагмалингвистика”, “Психоллингвистика” каби курсларда, шунингдек, таълимнинг қуйи босқичларида ҳам бадиий матнни тушунтириш ва таҳлил қилишда манба ҳамда материал вазифасини бажариши билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Матн таркибий қисмларини боғловчи воситаларнинг семантик-функционал тадқиқи юзасидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

матн ва унинг таркибий қисмларини боғловчи воситаларнинг бадиий матнлардаги мазмуний боғловчилик ролининг семантик-функционал белги-хусусиятлари ва лингвопоэтик воқеликда қўлланишининг грамматик кўлами бўйича чиқарилган хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан 2012-2016 йилларда олиб борилган ФА-А1-Г003 рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими 2021 йил 23 декабрдаги 17.01/301-сон маълумотномаси). Натижада, ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалишида матн таркибидаги сўзлар қуршовининг таъсири масаласи назарий жиҳатдан такомиллаштирилган.

мураккаб синтактик бутунликнинг мазмуний шаклланиши ва такомиллашишида бошланманинг мазмун узвийлигидаги вазифавий ўрни, унинг бадиий матн тасвир воқеликларидаги макон ва замон билан алоқадорлик асосида юзага келиб, боғловчилик вазифасини бажариши бўйича чиқарилган хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан 2012-2014 йилларда олиб борилган ФА-Ф1-Г007 рақамли “Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида” мавзусидаги амалий-илмий лойиҳаларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими 2021 йил 23 декабрдаги 17.01/303-сон маълумотномаси). Натижада, қорақалпоқ нақл-мақолларини нашрга тайёрлаш масалаларида бадиий матнда мураккаб синтактик бутунликнинг семантик-функционал жиҳатларининг амалий жиҳатдан қўлланиш имконияти кенгайган.

мураккаб синтактик бутунлик тугалланмасининг матн юзага келишидаги мазмуний-услубий бирлаштирилиши ассоциатив роли ҳамда уларнинг семантик-функционал жиҳатларга кўра когнитив алоқадорлик ва мотивацион

яхлитлиги ҳамда замон ва макон асосидаги муносабатларни ифодаловчи феъл-кесимлар бадий матнлардаги гаплар ўртасида боғловчи ва семантик-функционал мувофиқлик вазифасини бажарувчи лисоний восита эканлиги ҳақидаги хулосалардан, хусусан, тингловчига ёзма ва оғзаки нутқда боғловчи воситаларнинг аниқ ва тўғри етиб боришдаги айрим мулоҳазалардан 2020-2021 йилларда Ўзбекистон МТРК “O‘zbekiston” телерадиоканалининг “Бедорлик”, “Ижод завқи”, “Таълим ва тараққиёт”, “Миллий маънавият” эшиттиришлари ва кўрсатувларининг сценарийларини тайёрлашда ва ёзишда фойдаланилган. (Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 2022 йил 6 январдаги 04-36-10-сон маълумотномаси). Натижада радиодастурлар мазмунан мукаммаллашган, мулоқот жараёнларининг сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги мулоқоти мазмундорлигининг илмий асоси таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижалари эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 18 илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та (4 та республика ҳамда 6 та хорижий журналларда) мақола нашр қилинган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 153 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилинганлиги апробацияси, нашр этилган ишларга муносабат, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ҳозирги замон тилшунослигида матн таркибий қисмларини боғловчи воситаларнинг назарий талқинлари”** номли 1-бобида матн тушунчаси ва назариясининг ўзбек, туркий, жаҳон тилшунослигидаги талқини ва тадқиқи каби масалалар ёритилган.

Бобнинг **“Матн тушунчаси ҳақидаги асосий қарашлар”** номли 1-бўлимида сўнгги йилларда матн тилшунослиги муҳим соҳаларидан бирига айлангани, матнларни тузиш қонун-қоидаларини таҳлил қилиш ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан катта аҳамиятга эга экани, матн бирликларининг бир-бирлари билан алоқадорлиги ва шу билан бирга яхлитлигини таъминловчи омиллар таҳлили каби долзарб вазифалар берилган.

Дунё тилшунослигида матн тушунчаси ҳақида турлича талқинлар мавжуд:

1. “Муайян шароитда шахс томонидан сўзланган нутқ ёки ўзаро боғланган нутқий парчалар йиғиндиси матн дейилади”. (Е.Косориу).

2. “Матн ўзига хос яхлит тузилма ҳисобланиб, унинг таркибида мавжуд белгиларнинг ўзаро бирикуви маълум алоқалар системасидир. Шунинг учун ҳам унга турли томондан ёндашиш мумкин” (П.Гиро).

“Матн ёзма ҳужжат тарзида реаллашган тугалланганликдир”.<sup>4</sup>

Бизнингча, матн – бу ёзилган, кўчирилган, босилган ёки ирод этилган, ҳажман катта ва кичик бўлишидан қатъий назар муайян бир тугалликка эга бўлган, маълум бир ходиса, воқеа, вазият, ҳолат, ҳиссиёт, кечинма ҳақида маълумот берувчи ижодий асар, нутқ, ҳужжат ва шу кабилар ёки уларнинг бир парчаси.

Бир матннинг иккинчи бир матн билан ва муайян матннинг ўз ичида боғланиши ҳам турличадир. Матн тузилишида туташтирувчи воситалар (боғловчилар) функциясини тадқиқ этиш ҳар жиҳатдан аҳамиятлидир. “Матн тилшунослигида “локал боғлиқлик” ва “глобал боғлиқлик” каби атамалар мавжуд бўлиб, улар боғлиқликнинг икки турини бир-биридан фарқлаб туради. Локал боғлиқлик бу – матндаги гаплар, фразадан катта бутунлик-лар, абзац ва ҳоказоларнинг тўғридан-тўғри боғланиши бўлса, глобал боғ-лиқлик матн яхлитлигини, унинг ички бутунлигини таъминловчи боғлиқликдир”<sup>5</sup>

“Матн ўзининг мураккаблик даражасига кўра гапга ҳам, фразадан катта бутунликка ҳам, суперсинтактик бирликка ҳам тенг бўлиши, аксарият ҳолларда, уларнинг қоришмасидан иборат бўлиши мумкин”<sup>6</sup> “Матн катта ҳажмли объектдир. Шу сабабли унинг ташкил этувчилари ҳам гапдан кўра каттароқ бўлишини талаб этади”.<sup>7</sup>

Кўплаб синтактик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мураккаб синтактик бутунлик (МСБ) матннинг асосий бирлиги ҳисобланади. Қуйи сатҳ бирликларининг асосида шаклланган МСБ орқали коммуникатив акт мазмуний тугалликка эришади. МСБни синтактик йўналишдаги тадқиқи анча муваффақиятларни кўлга киритган. МСБ олимлар томонидан икки босқичга бўлиб ўрганилган:

а) гапларнинг ўзаро бирикиб, ўзидан каттароқ бўлган синтактик бирликни ҳосил қилиш йўллари ва усуллари;

б) бевосита матн таркибий қисмларини боғловчи тил бирликларининг тадқиқи.

Г.Я. Солганик<sup>8</sup>, М.М.Бахтин<sup>9</sup>, Б.Б.Шкловский, Б.Я.Пропп, Б.В.Томашевский ва яна бир қанча олимларнинг олиб борган изланишлари, яратган ишлари шу вақтга қадар ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

<sup>4</sup> Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – М., 1981. – С.13-18.

<sup>5</sup> Ковтунова И.И. Русский язык. Вопросы структуры текста в трудах акад. В.В.Виноградова. – М.: Наука. – С. 4-5.

<sup>6</sup> Вейнман Р.А. Уровень текста / Филологические науки. 1988. – №2. – С. 68.

<sup>7</sup> Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – М.: Наука, 1981, – С. 8.

<sup>8</sup> Солганик Г.Я. Синтаксическая стилистика. – М.: Высшая школа, 1973.

<sup>9</sup> Бахтин М. Проблема текста (опыт философского анализа). Вопр. литературы. 1976. – №10. – С. 125-126.

Илмий асарлар, газета, журналлар ва ҳужжатлар матннини ўрганиш ўзбек тилшунослари олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Бу соҳада рус тилшунослигининг катта ютуқларга эришган. Матнни тадқиқ этишда тилшунослик фанининг энг асосий тушунчаларидан фойдаланиш зарур<sup>10</sup>. Матн қурилиши ва тушуниш тўғрисида И.И.Ковтунова<sup>11</sup>, Л.П.Доблаевларнинг китоблари ҳам муҳим қўлланмалардан биридир.<sup>12</sup>

“Ҳар қандай матнни, айниқса, илмий матнни англаш малакасини ривожлантириш учун матннинг шаклий-мазмуний таҳлили жуда зарур.”<sup>13</sup> Ўзбек олимлардан И.Қ.Қўчқортоев, А.Ю.Алиев, С.Тўрабекова, Р.Қ.Қўнғуров, Ҳ.Назарова, А.С.Каримов, Ф.Насриддинов, Е.Қиличев, П.Қодиров<sup>14</sup> ва бошқалар бадиий асар тилига оид бир қанча илмий ишлар ва мақолалар эълон қилганлар.

Диссертацияда матн ҳақидаги назарий маълумотларни умумийлаштириш, замонавий туркий ва ўзбек тилшунослигидаги матн назариясининг талқини борасидаги қарашларни аниқлаш, ҳозирги ўзбек адабий тилида мураккаб синтактик бутунликнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш, МСБ биринчи ва якуний жумласининг ўзига хос белгиларини аниқлаш, занжирли синтактик муносабат, маънодош сўзлар алмашинуви, олмошлар, такрорларнинг гаплар орасидаги боғловчилик роли ҳамда замон ва модал муносабатларни ифодаловчи феъл кесимларнинг матн таркибий қисмлари боғланишидаги аҳамиятини ўзбек бадиий матнлари мисолида белгилаш долзарб вазифалар экани таъкидланди.

Бобнинг “**Матн назариясининг жаҳон тилшунослигидаги талқини**” номли 2-бўлимида матн тилшунослиги олдидаги вазифалар ҳамда унинг ривожланиш босқичлари ва келгусидаги вазифалар ёритилди.

Нутқ осон ва табиий равишда бир-бирига яқин алоқада бўлган мустақил гаплар гуруҳларига бўлиниши Г.Я.Солганик томонидан, “период” тушунчаси биринчи марта М.В. Ломоносов, “нутқ парчаси” билан бир қаторда “период” масаласи А.Х. Востоковлар<sup>15</sup> томонидан тадқиқ этилган. Аммо мураккаб синтактик birlik тушунчасига аниқлик киритилмаган.

Ўтган асрнинг 20-30 йиллардан бошлаб матнни яхлит бутунлик тарзида англаш борасида, мураккаб синтактик birlikлар ҳақида фикрлар айтила бошланди”<sup>16</sup> Баъзан “мураккаб бир бутунлик” атамаси остида анъанавий тарзда қўшма гапларни ҳам тушунганлар.<sup>17</sup>

<sup>10</sup> Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – М.: Наука, 1981. – С.4.

<sup>11</sup> Ковтунова И.И. Русский язык. – М.: Наука, 1982. – С. 3.

<sup>12</sup> Доблаев Л.П. Смысловая структура учебного текста и проблемы его понимания. – М., 1982.

<sup>13</sup> Зильберман Л.И. Структурно-семантический анализ текста. – М.: Наука, 1982. – С. 3.

<sup>14</sup> Қўчқортоев И. Бадиий нутқ стилистикаси. –Тошкент, 1975; Қўнғуров Р.Қ., Каримов С.А. Зулфия поэзияси тилининг луғати. – Тошкент, 1981; Қодиров П. Халқ тили ва реалистик проза. – Тошкент. 1973.

<sup>15</sup> Солганик Г.Я. Синтаксическая стилистика. – М., 1991. – С.4; Античные теории языка и стиля. – М.- Л., 1936. – С.183-184; Востоков А.Х. Русская грамматика по начертанию его же сокращенной грамматики, полнее изложенная. – Спб., 1831. – С.222.

<sup>16</sup> Волошинов В.Н. Марксизм и философия языка: Основные проблемы социологического метода в науке о языке. Л., 1930; Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. – М., 1956. – С.455

<sup>17</sup> Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. – М., 1956. – С.455.

20-асрнинг ўрталаридан бошлаб замонавий тилшунослик тараққиёти-нинг **биринчи босқичи** бошланди. Матн тушунчаси синтаксис назарияси доирасида МСБ ҳақидаги таълимот сифатида ривожланди.

“Мураккаб синтактик бутунлик” деб аталадиган махсус синтактик бирлик мураккаб ва тўлиқ фикрларни ифода этишга хизмат қилади<sup>18</sup>.

Матн тилшунослиги ривожланишининг **иккинчи босқичи** XX асрнинг 60-йилларига тўғри келади, бу йўналиш мустақил тилшунослик йўналиши сифатида алоҳида ажралиб туради.

Матн тилшунослиги ривожланишидаги **учинчи (замонавий) босқич** – бу XX асрнинг 70-йиллари бўлиб, унда тадқиқотчиларнинг эътиборлари бутун матнга қаратилди.

Тадқиқотлар матнни яхлит бирлик тарзида тушуниш илмини бойитди. Ҳар бир матн (экспозиция сифатида) индивидуал, ноёб ва такрорланмайдиган нарса ва бу унинг асосий хусусиятидир.<sup>19</sup> Чет эл ҳамда мамлакатимизда матн тилшунослиги жадал ривожланди. Тилшуносларнинг диққат марказлари нутқ фаолияти ва унинг махсулоти бўлган – изчил матнга йўналтирилди<sup>20</sup>.

Тилшуносликда матн қуйидаги йўналишлар бўйича ўрганилади:

1) асосий хусусиятлари яхлитлик ва боғлиқлик ҳисобланувчи матнни тилнинг юқори сатҳи сифатида ўрганиш;

2) матннинг ўзига хос белгиларини аниқлаш;

3) матнларнинг функционал-семантик турларини ўрганиш;

4) матнни ташкил этувчи бирликларни ўрганиш;

5) фанлараро муносабатлар ва ўзаро муносабатларни ўрганиш;

6) матн таъсири остида турли даражадаги тил бирликлари фаолиятининг сифат жиҳатидан ўзига хослигини аниқлаш ва бошқалар.

Матн хусусида қилинган ишлардан қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

– матннинг таркибий–семантик таҳлили бўйича И.Р.Галперин, С.И.Москальская, Л.М.Лосева, Е.А.Реферовская, З.Я.Тўраева<sup>21</sup> ва бошқаларнинг изланишлари;

– Г.Я.Солганик, В.В. Одинцов, Т.И.Сильман, И.Я.Чернухина<sup>22</sup> ва бошқаларнинг матннинг услубий хусусиятларини ўрганиш билан боғлиқ ишлари.

Матннинг асосий белгиси турли шакл ва ҳажмда бўлишидан қатъий назар боғлиқлик эканлиги билан намоён бўладиган тизимдир<sup>23</sup>. Матн маъно

<sup>18</sup> Поспелов Н. С. Проблема сложного синтаксического целого в современном русском языке. Уч. зап. МГУ. 1948. – №. 137. – С. 31.

<sup>19</sup> Бахтин М. Проблема текста (опыт философского анализа) / Вопр. литературы. 1976. – №10. – С.125-126.

<sup>20</sup> Кобозева И.М. Вступительная статья. Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17: Лингвистика. – М., 1988. – С.9.

<sup>21</sup> Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – М.: Наука, 1981; Москальская О.Н. Грамматика текста. – М.: Высшая школа, 1981; Лосева Л.М. К изучению межфразовой связи. Русский язык в школе. 1967. – №1; Реферовская Е.А. Коммуникативная структура текста в лексико-грамматическом аспекте. – М.: Наука, 1989; Тўраева И.Я. Лингвистика текста. – М.: Просвещение, 1986.

<sup>22</sup> Солганик Г.Я. Синтаксическая стилистика. – М.: Высшая школа, 1973; Одинцов В.В. Стилистика текста. – М.: Наука; Сильман Т.И. Пособие стилистическому анализу немецкой художественной литературы. – М.: Просвещение, 1969; Чернухина; И.Я. Элементы организации художественного прозаического текста. – Воронеж. 1984.

<sup>23</sup> Кожевникова К. Об аспектах связности в тексте как целом. Синтаксис текста. – М., 1979. – С.49-67.

жихатидан ва лексик, грамматик воситалар ёрдамида боғланган гаплар йиғиндисидир (камдан-кам ҳолларда битта гап).<sup>24</sup> Матн шаклий бирлик, мазмун аниқлиги, мўлжалланганлик, қабул қилишга тайёрлик, хабарга эгалик, вазиятга мувофиқлик ва интертекстуаллик<sup>25</sup> каби еттита талабга жавоб берадиган алоҳида ҳодиса. Матн бу тўлиқ ёзилган ҳужжат сифатида эътироф этилган, ушбу ҳужжат турига мувофиқ адабий ишлов берилган, ном ва бир қатор махсус бўлинмалардан иборат бўлган (суперфазали сўз бирикмалари) турли хил лексик, грамматик, мантикий, услубий жихатдан боғланган, бир йўналишга ва прагматик муносабатга эга нутқ - ижодий жараён маҳсули.<sup>26</sup>

Санаб ўтилган матн хусусиятларининг миқдори, матннинг асослари, манбаи масаласи кабилар ҳам пухта ҳал қилинган эмас.

Бизнингча, боғлиқлик ҳар қандай матннинг ажралмас белгиси экани, боғлиқлик матннинг семантик яхлитлигида ўзини намоён қилиши ва матн лингвистик ифода усулларига эга эканини М.П. Ионицэ<sup>27</sup> жуда тўғри баҳолаган.

Ёзма ва оғзаки шаклга эга бўлган матн ўзаро фарқланади. Матнларни ҳажмига кўра микроматн ва макроматнларга ажратилса, мазмуний жихатдан матннинг моносемантик, полисемантик турлари фарқланади ва матн бажарадиган функциялари нуқтаи назаридан унинг монофункционал ва полифункционал турларга ажратилади. Ҳар қандай кўринишдаги таркибий қисмлари ўзаро боғланган матн “амалий жихатдан ишланган, ижтимоий амалиётда тасдиғини топган юзага келиш шаклларига эга”.<sup>28</sup>

Бобнинг **“Туркий ва ўзбек тилшунослигида матн назарияси талқини”** номли 3-бўлимида туркий илм-фанда матн назариясига доир тадқиқотлар таҳлили ва келгусидаги вазифалар ёритилди.

Озарбайжон тилшунослигида матнни тадқиқ этган К.М.Абдуллаев<sup>29</sup>, К.Н.Велиевлар матн, мураккаб синтактик бутунликнинг юзага келишида боғлиқликнинг ролига катта урғу беради.<sup>30</sup>

Татар тилшунослигида матн назарияси тўғрисида биринчи маълумотлар профессор М.З. Закиевнинг университет талабалари учун мўлжалланган дарслигида учрайди.

Бошқирд тилшунослигида матннинг моҳияти, уни ташкил этувчи воситалари ва матн таркибий қисмларига оид масалалар Г.Г. Саитбатталовнинг<sup>31</sup> асарида ўз аксини топди.

<sup>24</sup> Лосева Л.М. Как строится текст. М.: Просвещение, 1980. – С.4.

<sup>25</sup> De Beaugrande R. A., Dressler W. U. Introduction to text linguistics. – London: Longman, 1981. – P.32.

<sup>26</sup> Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – М., 1981. – С.18

<sup>27</sup> Ионицэ М. П. Глоссарий контекстуальных связей (на материале французского языка). Кишинев: – Штиинца. 1981. – С. 27-75.

<sup>28</sup> Брандес М. П. Синтаксическая семантика текста. Сб. научных трудов МГПИИЯ им.М.Тореза. 1977. №.112.

<sup>29</sup> Абдуллаев К.М. Об одном критерии определения границ текста в азербайджанском языке. Советская тюркология. 1987. № 3. – С.31-38.

<sup>30</sup> Велиев К.Н. Сложное синтаксическое целое и его поэтические конститuentы в эпическом тексте. Советская тюркология. – №1970. №6. – С.17-30.

<sup>31</sup> Саитбатталов Г. Г. Башкирский язык. Синтаксис простого предложения. –Уфа, 1999. – Т.№ 1. – С.351.

Ўзбек тилшунослигида Ғ.Абдурахмонов<sup>32</sup> матн турларини ажратиб кўрсатган эди. А.Ғуломов “Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис” дарслигида (М.Асқарова билан ҳамкорликда)матн хусусидаги фикрларини ёзиб қолдирган<sup>33</sup>. М.Тўхсанов ўзбек тилидаги микроматн таркибидаги унсурларнинг боғловчи воситалари тизимини номзодлик диссертациясида тадқиқ этган.<sup>34</sup> А.Мамажоновнинг “Текст лингвистикаси”<sup>35</sup> номли махсус курси ва М.Абдупаттойев билан ҳамкорликдаги “Матн синтаксиси” номли ўқув қўлланмаси тайёрланган.<sup>36</sup> М.Ҳакимов ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари,ўзбек тилидаги матнларнинг прагматик талқинига бағишланган<sup>37</sup> тадқиқотлар олиб борган.

Н.Турниёзовнинг “Матн лингвистикаси” номли қўлланмаси<sup>38</sup>, Б.Йўлдошевнинг “Матнни ўрганишнинг лингвостатистик методлари” услубий қўлланмаси<sup>39</sup>, И.Азимованинг номзодлик диссертацияси,<sup>40</sup> М.Йўлдошев бадий матнни лингвопоэтик таҳлил қилишга бағишланган докторлик диссертацияси,<sup>41</sup> матн ҳодисаси мазмуний тузилишининг когнитив моҳиятини монографик тадқиқ қилишга бағишланган С.Боймирзаеванинг докторлик иши,<sup>42</sup> М.Қурбонова, М.Йўлдошевларнинг “Матн тилшунослиги” номли ўқув-услубий қўлланмаларида<sup>43</sup> матн лингвистикаси юзасидан турли йўналиш ва аспектларда тадқиқотлар олиб борилган ва бу ҳаракат давом этмоқда.

Диссертациянинг **“Мураккаб синтактик бутунлик матннинг асосий бирлиги сифатида”** номли 2-бобидаги 1-бўлим **ҳозирги ўзбек адабий тилида мураккаб синтактик бутунликнинг ўзига хос хусусиятлари** тадқиқига бағишланган.

Гапдан каттароқ бўлган матн бирлиги масаласи биринчилардан бўлиб А. Пешковский<sup>44</sup> томонидан ўрганилган. Айрим олимлар параграфни матн бирлиги сифатида тан олишади.<sup>45</sup> Аммо, бизнинг фикримизча, абзац ва

<sup>32</sup> Всесоюзная туркологическая конференция//Советская туркология. – Баку, 1981. – №1. – С.93.

<sup>33</sup> Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Синтаксис. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – Б.256.

<sup>34</sup> Тухсанов М. Микротекст и система выражения его когерентности в узбекской художественной речи: Автореф. дисс. ...к-та филол. наук. – Ташкент, 1987.

<sup>35</sup> Мамажонов А. Текст лингвистикаси. – Тошкент, 1989.

<sup>36</sup> Мамажонов А., Абдупаттойев М. Матн синтаксиси. – Фарғона, 2002.

<sup>37</sup> Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ...дисс. – Тошкент, 2001.

<sup>38</sup> Турниёзов Н. Матн лингвистикаси (маърузалар матни). – Самарқанд. 2004.

<sup>39</sup> Йўлдошев Б. Матнни ўрганишнинг лингвостатистик методлари (услубий қўлланма). – Самарқанд. 2008.

<sup>40</sup> Азимова И. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи. Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2008.

<sup>41</sup> Йўлдашев М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи. Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент. 2009.

<sup>42</sup> Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар. Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент. 2010.

<sup>43</sup> Қурбонова М, Йўлдошев М. Матн тилшунослиги (услубий қўлланма). – Тошкент, 2013.

<sup>44</sup> Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. – М., 1956. – С.455.

<sup>45</sup> Сильман Т. И. Проблемы синтаксической стилистики: (на материале немецкой прозы). – Просвещение. Ленингр. отд-ние, 1967; Фридман Л.Г.К вопросу осверхфразовых единствах. Теоретические проблемы синтаксиса современных индоевропейских языков. – Л., 1975. – С. 220-226; Каримова Р.А. Семантико-структурная организация текста (на материале устных спонтанных и письменных текстов). – Федеральное государственное бюджетное образовательное учреждение высшего образования Башкирский государственный университет, 1991.

суперфразавий бирлик ёки мураккаб синтактик бутунлик турли даражадаги бирликлардир.

“Абзацнинг ажратилганлиги, авваламбор, абзацлар орасидаги матн бирлигининг биринчи жумласига урғу берилганлиги сабаблидир, бу жумлани хатбоши деб ҳисоблаш мумкин”<sup>46</sup>.

Н.А. Турмачева суперфразавий бирлик ва абзацларнинг моҳиятини ўрганиб чиқди<sup>47</sup> Матн синтаксиси билан шуғулланган кўпчилик олимлар қатори, биз ҳам матннинг асосий бирлиги мураккаб синтактик яхлитлик эканлигини эътироф этамиз.

Мураккаб синтактик бутунликни белгилаш учун бир қатор атамалар қўлланилган. Улар орасида мураккаб синтактик бутунлик (А. Пешковский), синтактик комплекс (А. Овсяникова), суперфразавий бирлик (О. Ахманова), матн таркибий қисми (И. Фигуровский) ва бошқалар. Фикримизча, **мураккаб синтактик бутунлик** атамаси ушбу лингвистик ҳодисанинг моҳиятини тўлиқроқ акс эттиради.

Баъзи бир олимлар мураккаб синтактик бутунликни мазмун нуқтаи назардан кўриб чиқиб, матннинг изчиллигини мантиқий мувофиқлиги билан тенглаштирадilar. Бундай тенглаштиришни тўғри деб бўлмайди, “матннинг мантиқий уйғунлиги умумий матннинг уйғунлиги билан бир хил эмас, чунки матн мантиқий жиҳатдан қарама-қаршиликларни, номувофиқликларни, узулишларни ва бошқаларни ўзида ифодалаши мумкин, бу мантиқий бирлик учун ноқонунийдир”<sup>48</sup>.

Мустақил гапларни ўзидан каттароқ бўлган бирликларга бирлаштириш усулларини ўрганишга Г.Я. Солганик асарларини мисол қилиб келтириш мумкин<sup>49</sup>. Мураккаб синтактик бутунлик таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлигига асосланиб, Н.А. Турмачева мураккаб синтактик бутунлик таркибидаги грамматик боғлиқликнинг бешта асосий турини ажратиб кўрсатади<sup>50</sup>:

- 1) занжирли боғланиш;
- 2) параллел боғланиш;
- 3) сафли боғланиш;
- 4) боғловчилар орқали боғланиш;
- 5) вазиятли боғланиш.

Матн бирлиги бўлган мураккаб синтактик бутунликни ажратиш ҳар доим ҳам осон кечавермайди. Баъзи ҳолларда, у абзацга тўғри келса, бошқа ҳолларда, битта абзац осонгина бир нечта мураккаб синтактик бутунларга бўлиниши мумкин. Хабарнинг мазмунига ва айниқса, прагматик муносабатга қараб, мураккаб синтактик бутунлик ва абзац чегаралари, кўпинча, бир-

<sup>46</sup> Лосева Л.М. Как строится текст. – М., 1980. – С.85.

<sup>47</sup> Турмачева Н.А. К вопросу о природе сложного синтаксического целого и абзаца. Синтагматика, парадигматика и их взаимоотношения. – Рига, 1970.

<sup>48</sup> Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – М., 1981.

<sup>49</sup> Солганик Г.Я. Синтаксическая стилистика. – М., 1973. –С.86.

<sup>50</sup> Турмачева Н.А. К вопросу о природе сложного синтаксического целого и абзаца. Синтагматика, парадигматика и их взаимоотношения. – Рига, 1970.



бирига мос келади. Шунга қарамай, мураккаб синтактик бутунликни матннинг таркибий қисми, гапни эса мураккаб синтактик бутуннинг таркибий қисми сифатида баҳолаш лозим.

Мураккаб синтактик бутунликнинг белгилари бутун матн ёки матндан олинган муайян парча доирасида аниқроқ намоён бўлади:

*Бир вақтлар Зарафшон боғида боғбон бўлган Муборизхон (аввалги Афзалбек) Акбар ва Пирмуҳаммаднинг гапларини Байрамхонга етказиб юриб унинг яқин одамига айланган эди.*

*Бироқ Байрамхон енгилб, Акбарга энг яқин одам - Адҳамхон ва унинг онаси Моҳим энага ўлиб қолганини кўрган Муборизхон, ҳамон Байрамхоннинг хизматида юрган бўлса ҳам, энди унинг ички сирларини Адҳамхонга етказиб турди ва унинг содиқ хуфиясига айланди.*

*Адҳамхон келажакда Байрамхон каби вакили салтанат бўлиш орзусида эди. Бунинг учун аввал Байрамхонни, ундан сўнг Муниҳонни йўқ қилиш фикрига тушган. Муборизхон шу режаларни амалга оширишда унга астойдил хизмат қилса Адҳамхон уни ҳалигача ушалмай келаятган орзуларига етказиши, катта амал ва мулк инъом этиши мумкин.*

*Муборизхон Байрамхоннинг энг ишончли хизматкорлари қаторида сафарга бирга чиқди. Адҳамхон унга Аҳмадободдан наридаги Патан шаҳрининг қутволи Мусахон Пўлодий билан яширин алоқа боғлашни буюрди. Патан Гужарат подшосига қарар, бу ерда Акбарнинг ҳукми ўтмас эди. Адҳамнинг ошнаси Мусахон эса Аграда Байрамхон билан чиқишолмай, порахўрликда айбланиб, тўрт йил бурун Патанга кетиб қолган, аммо Адҳамхон билан ҳалигача мактуб ёзишиб турар эди. Энди Адҳамхон билан Пирмуҳаммад атка Байрамхонни Патанда ўлдириш режасини шу Мусахон билан тил бириктириб туздилар. Муборизхон икки орада махфий воситачи вазифасини ўтади<sup>51</sup>. (П.Қодиров).*

Таҳлил қилинаётган парча битта мураккаб синтактик бутунликдан иборат бўлиб, унинг таркибидаги бирликларни **Муборизхон** исмининг такрори ва ушбу шахснинг хусусиятларини акс эттирувчи сўзлар бирлаштиради. Парча ўз микромавзусига эга. Ҳар бир мураккаб синтактик бутунлик – бу ибтидо ва интиҳосига эга бўлган кичик бир ҳикоя каби таассурот қолдиради. Мураккаб синтактик бутунликнинг чегаралари аксарият ҳолларда матннинг биринчи гапи мазмунида ва синтактик тузилишида белгилаб берилади.

Диссертациянинг **“МСБ бошланмасининг ўзига хос белгилари ва унинг матнда боғловчилик роли”** номли 2-бобидаги 2-бўлимда мураккаб синтактик бутунликнинг композицион тузилиши борасида фикрлар айтилган. МСБнинг биринчи гапи, айниқса, ўзининг мазмунан бошқа гаплардан анча мустақил экани билан ажралиб туради. Бошқа гапларнинг таркиби ва мазмуни, кўпинча, синтактик жиҳатдан биринчи гапга боғлиқ ҳолда

<sup>51</sup> Қодиров П. Авлодлар давони. – Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2018. – Б. 365.

шакллантирилади. Биринчи гап кўп ўринларда мураккаб синтактик бутунликни шакллантирувчи синтактик маркази вазифасини ўтайди.

МСБнинг биринчи гапида аввалги МСБларда берилмаган янги фикр, хабар бошланади. ижодкорлар асарнинг биринчи жумласига катта эътибор билан қарайдилар. Бу бежиз эмас, албатта.

Масалан, *Бироқ фил устида бораётган Ҳумоюннинг хаёли бутунлай бошқа нарсалар билан банд. У Ҳамидалар томонга юзланганда ҳам қизнинг боши оша узоқларга назар ташлайди. Нега бу йил наврўз сайлига одам бултургидан икки-уч баробар кам чиққан? Бултурги наврўзда бутун шаҳар ва унинг атрофлари ясан-тусан халойиққа тўлиб кетган эмасмиди? Наврўз кунларида бозор расталарини, кўча ва майдонларни ранг-баранг ипак матолар, гулишодалар билан безатиш одати «ойин банди» деб аталарди. Аграда бу одатни Ҳумоюн махсус фармон билан жорий қилган эди. Ҳумоюн мамлакатнинг шарқида ва гарбида катта галабаларга эришган пайтларда унинг ҳар бир фармонини сўзсиз бажарувчилар кўп эди<sup>52</sup>. (П.Қодиров).*

Л.Лосева<sup>53</sup> мураккаб синтактик бутунлик биринчи гапининг қуйидаги хусусиятларини аниқ белгилаб беради:

- мураккаб синтактик бутунлик биринчи гапларида мазмуни матннинг олдинги қисмидан аниқланадиган сўзлар йўқ (олдинги мураккаб синтактик бутунлик таркибидаги от, сифат, равиш, сон ва феълларга ишора қилувчи олмошлар ва олмош ўрнида қўлланувчи сўзлар).

